



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2022 yil « 21 » fevral

№ 83

Toshkent sh.

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этиш ҳамда миллий барқарор ривожланиш мақсадларида назарда тутилган кўрсаткичларнинг сифатли бажарилиши, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар (кейинги ўринларда – Миллий мақсад ва вазифалар) 1-иловага мувофик;

2022–2026 йилларда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга самарали эришиш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофик;

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) таркиби 3-иловага мувофик;

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда тармоқлараро мувофиқлаштириш ва интеграциялашган ёндашувни таъминлаш мақсадида эксперт гуруҳларининг (кейинги ўринларда – Эксперт гуруҳлари) янгиланган таркиби 4–9-иловаларга мувофик;

Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг кўрсаткичлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳнинг (кейинги ўринларда – Идоралараро ишчи гуруҳ) янгиланган таркиби 10-иловага мувофик;

Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Молиялаштириш бўйича ишчи гуруҳ) таркиби 11-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига (кейинги ўринларда – МБРМ) эришиш борасида қуйидагилар:

а) Эксперт гуруҳларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

МБРМ амалга оширилишининг мониторингини юритиш;

тармоқлараро мувофиқлаштириш ва МБРМни амалга оширишда комплекс ёндашувни таъминлаш;

ҳар бир МБРМ бўйича тегишли таклифлар ва таҳлилий материалларни тайёрлаш;

МБРМ кўрсаткичларини мавжуд стратегия ва дастурлар билан таққослаб, хатловдан ўтказиш;

камраб олинмаган МБРМ кўрсаткичларини янги ёки мавжуд стратегия ва дастурларга қўшиш бўйича аниқ ҳамда қисқа ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб ҳар йили кейинги йил учун Ўзбекистон Республикаси давлат дастурлари, ривожланиш стратегиялари ва концепцияларининг ҳар бир мақсад бўйича мувофиқлигини баҳолаш ва МБРМга таъсирини иқтисодий экспертизадан ўтказиш ҳамда қўшимчалар киритилишини таъминлаш;

ҳар бир МБРМ бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқирилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ихтиёрий миллий ҳисоботи ва тегишли таҳлилий материаллар тайёрланишини мувофиқлаштириш;

Чора-тадбирлар режасини ўз вақтида ҳамда сифатли амалга ошириш ишларини ташкил этиш;

ҳар йили келгуси йилнинг 1 февралига қадар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига йил якуни бўйича МБРМ борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилишини таъминлаш;

б) Идоралараро ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Барқарор ривожланиш мақсадларининг глобал кўрсаткичлари асосида МБРМ кўрсаткичлари тизимини доимий янгилаб бориш ва унинг методологиясини шакллантириш;

кўрсаткичларни тўплаш бўйича вазифаларни Давлат статистика ишлари дастурига киритиб бориш, кўрсаткичларни доимий асосда тўплаш ва МБРМ веб-порталида (www.nsdg.stat.uz) эълон қилиб бориш;

ҳар бир кўрсаткич бўйича 2022-2026 ва 2030 йиллар учун прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш;

Барқарор ривожланиш мақсадлари глобал рейтингини ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган рейтинг натижалари асосида ушбу прогноз кўрсаткичларни Мувофиқлаштирувчи кенгаш тавсиясига кўра қайта кўриб чиқиш, зарур ҳолларда уларга асосланган ўзгартиришлар киритиш;

халқаро таққослама сўровномаларда иштирок этиш чораларини кўриш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари глобал рейтингини ишлаб чиқувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;

доимий равишда МБРМ кўрсаткичларини тўплаш ва мониторингини юритиш орқали Мувофиқлаштирувчи кенгашга ҳар йили декабрь ойида мониторинг натижаларига кўра маълумотларни киритиш;

в) Молиялаштириш бўйича ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрта муддатли бюджетни шакллантириш, такомиллаштириш ва даромадларни ўзида қамраб олган МБРМни молиялаштириш миллий стратегияси ишлаб чиқилишини ҳамда ушбу стратегияни таъминлаш ва жорий этиш учун зарур бўлган воситалар, шу жумладан, молиялаштиришнинг доимий мониторинги юритилишини таъминлаш;

молиялаштириш миллий стратегиясининг мониторинги натижаларига асосан Мувофиқлаштирувчи кенгашга ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига бу борада амалга оширилган ишлар ҳамда уларнинг натижалари бўйича ҳар ярим йилликда ҳисоботлар ва маълумотларни тақдим этиш;

МБРМни молиялаштиришга қаратилган ва амалга ошириладиган чоратadbирларни доимий мониторингини юритиш;

МБРМни молиялаштириш манбаларини ошириш ва қўшимча маблағларни йўналтириш ва жалб қилиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотлар кўмагида МБРМни давлат ва хусусий сектор томонидан молиялаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш.

г) Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Эксперт гуруҳлари ва Идоралараро ишчи гуруҳнинг самарали фаолиятини ташкил этиш, МБРМга эришишда секторлараро мувофиқлаштиришни, уйғунлашган ёндашув ва мониторингни таъминлаш;

Миллий мақсад ва вазифаларнинг тармоқ, минтақа ва мақсадли ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларга киритилишини таъминлаш;

Эксперт гуруҳлари ва Идоралараро ишчи гуруҳ билан биргаликда вазирлик ҳамда идораларга юкланган ҳар бир кўрсаткич бўйича 2030 йилгача бўлган мақсадли параметрларни тасдиқлаш;

ҳар бир мақсад бўйича масъул вазирлик ва идораларнинг МБРМни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш, эришилган ижобий натижаларга кўра рағбатлантириш ёки йўл қўйилган камчиликлар учун жазо чораларини кўриш;

МБРМни молиялаштиришга қаратилган миллий сиёсатни мувофиқлаштириш ва доимий назоратни таъминлаш;

БМТ ва унинг ташкилотлари билан биргаликда парламентлар, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йиғилишлар ташкил қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи функцияси юклансин ҳамда унга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан бажарилиши шарт бўлган Миллий мақсад ва вазифаларнинг зарур даражада амалга оширилишини таъминлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш учун тегишли мутахассислар ҳамда халқаро экспертларни, шунингдек, илмий ташкилотларни жалб қилиш.

4. Белгилансинки:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш БМТнинг 2021–2025 йилларда Ўзбекистон учун барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳадли дастурини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш вазифасини бажаради;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш зарур ҳолларда вазирликлар, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакилларини иш жараёнига жалб қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 12-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштиради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “21” февралдаги 83 -сон қарорига
1-илова

**2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги
миллий мақсад ва вазифалар**

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш.	1.1-вазифа. 2030 йилгача мамлакатда камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартириш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк (<i>келишув асосида</i>), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Иқтисодий фаровонлик
	1.2-вазифа. 2030 йилгача кам таъминланган эркаклар, хотин-қизлар ва барча ёшдаги болаларнинг улушини кам таъминланишнинг барча кўринишларида икки бараварга қисқартириш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий банк (<i>келишув асосида</i>), Ёшлар ишлари агентлиги	Иқтисодий фаровонлик
	1.3-вазифа. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари сифатини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари доирасига муҳтожларнинг барчаси тўлиқ қамраб олинishiга эришиш.	Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Марказий банк (<i>келишув асосида</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ижтимоий ҳимоя

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
	1.4-вазифа. 2030 йилгача бутун аҳолининг, жумладан, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг базавий захиралардан (ер участкалари, янги технологиялар, банк кредитлари, масофавий банк хизматлари ва бошқалар) фойдаланишлари учун қулай иқтисодий ва молиявий шарт-шароитлар, чакана тўлов тизимлари инфратузилмалари, янги технологиялар ва молиявий хизматлар, шу жумладан микромолиялаштириш билан таъминлаш.	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Марказий банк (<i>келишув асосида</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Иқтисодий фаровонлик
	1.5-вазифа. 2030 йилгача аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг яшаш шароитларини яхшилаш, шу жумладан, уларга иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик муаммоларнинг салбий таъсирининг олдини олиш.	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази	Атроф муҳит
	1.а-вазифа. Аҳолининг барча шаклдаги камбағаллик даражасини тугатиш бўйича дастурлар ва стратегияларни амалга оширишга прогноз қилинадиган маблағни таъминлаш учун турли манбалардаги, жумладан, ривожланиш мақсадида ҳамкорликни фаоллаштириш асосидаги салмоқли захираларнинг сафарбар этиш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Иқтисодий фаровонлик
	1.б-вазифа. Аҳолининг камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича тадбирларга тезкор сармоя киритилишига қўмаклашиш учун кам таъминланган фуқароларнинг манфаатлари ҳамда гендер жиҳатларни инобатга оладиган ривожланиш, мониторинг ва баҳолашни стратегик прогнозлаштириш механизмларини такомиллаштириш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (<i>келишув асосида</i>)	Ижтимоий ҳимоя
2-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор	2.1-вазифа. 2030 йилгача зарур ҳажмда овқатланишнинг юқори сифати ва баланслашганлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг барча қатламлари, айниқса, гўдаклар билан бир қаторда, ижтимоий заиф кишиларнинг ҳаёт учун муҳим ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан йил бўйи тўлиқ фойдаланишларига эришиш.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси, Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ижтимоий ҳимоя, Соғлиқни сақлаш

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
ривожланишига кўмаклашиш.	2.2-вазифа. 2030 йилгача тўйиб овқат емасликнинг барча шакллариغا барҳам бериш, жумладан, 2025 йилгача беш ёшгача бўлган болаларнинг ўсиши ва вазнидаги кечикишга қарши курашишга оид халқаро даражада келишилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳамда ўсмир қизлар, ҳомиладор ва эмизувчи аёллар, кекса одамларнинг овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондириш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Соғлиқни сақлаш
	2.3-вазифа. 2030 йилгача қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача самарадорлигини ҳамда қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат етиштирувчиларининг даромадини ошириш.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Марказий банк (<i>келишув асосида</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Иқтисодий фаровонлик
	2.4-вазифа. 2030 йилгача озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимлари яратилишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган қишлоқ хўжалигини юритиш усуллари жорий қилиш.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	Атроф муҳит
	2.5-вазифа. Қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликлари, шунингдек, чорва молларининг ва тегишли ёввойи ҳайвонлар турларининг генетик ранг-баранглигини, жумладан, уларнинг захираларини тегишли тарзда сақлаш орқали таъминлаш	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	Атроф муҳит
	2.а-вазифа. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ инфратузилмаси, қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотлар, инновацион технологияларни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг ва чорва молларининг генетик захираларини яратишга сармоя киритилишини ҳамда халқаро молия институтлари ва халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш йўли билан кучайтириш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги	Атроф муҳит
	2.б-вазифа. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларида савдо чекловлари киритилиши ва хатолар юзага келишини бартараф этиш ҳамда бунга йўл қўймаслик.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Иқтисодий фаровонлик

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
	2.с-вазифа. Республика аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозорига маҳсулот етказиб берилишини тизимли мониторинг қилиш ҳамда назоратни йўлга қўйиш ва нарх-навонинг асоссиз ўсиб кетишига қарши курашиш чораларини кўриш.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бош прокуратура (<i>келишув асосида</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Иқтисодий фаровонлик
3-мақсад. Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш	3.1-вазифа. 2030 йилгача оналар ўлими кўрсаткичини учдан бир бараварга қисқартириш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш
	3.2-вазифа. 2030 йилгача янги туғилган чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлимни икки бараварга камайтириш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш
	3.3-вазифа. Аҳолининг сил ва ОИВ билан зарарланиш даражасини камайтириш ҳамда сув орқали юқадиган гепатит ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашишни таъминлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш
	3.4-вазифа. 2030 йилгача аҳоли ўртасида юрак-кон-томир, онкологик, қандли диабет ва сурункали респиратор касалликлар туфайли бевақт ўлимни 30 фоизга қисқартириш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш
	3.5-вазифа. Руҳий фаоллаштирувчи моддаларга қарамлик, шу жумладан, гиёҳванд моддалар ва алкогольли ичимликларни истеъмол қилишнинг профилактикаси ва даволанишини яхшилаб бориш (алкоголнинг зарarli истеъмол қилинишини 10 фоизга камайтириш).	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш
	3.6-вазифа. 2025 йилгача йўл-транспорт ҳодисалари сонини, жумладан, пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келадиган ЙТХ ҳолатларини икки баравар қисқартириш.	Ички ишлар вазирлиги, Мақтабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Транспорт вазирлиги	Самарали бошқарув
	3.7-вазифа. 2030 йилгача жинсий ва репродуктив саломатликни асраш бўйича хизматлардан, шу жумладан, оилани режалаштириш ва ўн саккиз ёшгача бўлган қизлар учун никоҳ ёшини узайтириш хизматларидан умумий фойдаланишни ҳамда Миллий стратегия ва дастурларда репродуктив саломатликни асраш масалаларининг ҳисобга олинишини таъминлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази	Соғлиқни сақлаш

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
	3.8-вазифа. Соғлиқни сақлаш хизматлари билан умумий қамраб олишни, шу жумладан, соғлиқни сақлашга сарфланаётган катта харажатлар туфайли ҳимоялашни, асосий сифатли тиббий-санитария хизматларидан фойдаланиш ва барча учун хавфсиз, самарали, сифатли ва арзон асосий доривор ва эмлаш воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	Соғлиқни сақлаш Иқтисодий фаровонлик
	3.9-вазифа. Хавфли кимёвий моддаларнинг таъсири, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши натижасида, жумладан, кимёвий ишлаб чиқариш ҳамда зарарли моддалар кўмилган жойларда, ўлим ва касалланиш ҳолатларини қисқартириш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Соғлиқни сақлаш
	3.а-вазифа. Заруратга кўра, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураш ҳадли конвенцияси (2003 йил май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 56-сессиясида қабул қилинган) амалга оширилишини фаоллаштириш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш
	3.б-вазифа. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни даволаш учун эмлаш ва доривор воситалар бўйича тадқиқотлар ва ишланмаларга кўмаклашиш; Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспектлари бўйича битимнинг аҳоли саломатлигини асраш мақсадида мослашишини намоён этиш, хусусан, барча учун доривор воситалардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш қоидаларидан ривожланаётган мамлакатларнинг тўлиқ ҳажмда фойдаланиши кўзда тутилган “ТРИПС бўйича битим ва жамоатчилик соғлиғини сақлаш” Доха декларациясига (Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ҳомийлигидаги музокаралар туркумига) мувофиқ, арзон асосий доривор ҳамда эмлаш воситаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги	Соғлиқни сақлаш
	3.с-вазифа. Соғлиқни сақлашни молиялаштиришни изчил ошириш, кадрларни тайёрлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, муносиб иш ҳақи билан таъминлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Соғлиқни сақлаш

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
	3.d-вазифа. Халқаро тиббий-санитария қоидаларининг (ХТСҚ ЖСТнинг базавий хужжати, қоидаларнинг ҳозирги таҳрири Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 2005 йил 25 майдаги 58-сессиясида қабул қилинган) жорий қилиниши ҳамда умумий соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқулодда вазиятларда чора-тадбирларни амалга оширишга тайёрликни таъминлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	Соғлиқни сақлаш
4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш.	4.1-вазифа. 2030 йилгача бошланғич ва умумий ўрта таълимни, умумий қамровни сақлаб қолган ҳолда, ўқитишнинг долзарб ва самарали натижаларига эришишни таъминлайдиган янги сифат босқичига кўтариш.	Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Давлат тест маркази, Ёшлар ишлари агентлиги	Таълим
	4.2-вазифа. 2030 йилгача барча ўғил ва қиз болалар учун кичик ёшдаги болаларни ривожлантириш, парваришлаш ва мактабгача ўқитишнинг сифатли тизимларидан улар бошланғич таълимни олишга тайёр бўлишлари мақсадида тўлиқ фойдаланиш имкониятини таъминлаш.	Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	Таълим
	4.3-вазифа. 2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркаклар учун арзон ва сифатли ўрта махсус, олий, касб-хунар ҳамда қўшимча таълимдан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат тест маркази	Таълим
	4.4-вазифа. 2030 йилгача ишга жойлашиш, муносиб ишга эга бўлиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун меҳнат бозорида талаб катта бўлган кўникмаларга, шу жумладан, касбий-техник кўникмаларга эга ёшлар ва катталар сонини жиддий равишда кўпайтириш.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси	Таълим
	4.5-вазифа. Таълим муассасалари шароитларини имконияти чекланган болаларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган даражада яхшилаш орқали ногиронлар учун барча даражадаги таълим ва касбий-техник тайёргарликдан тенг фойдаланиш имкониятини, барча учун хавфсиз ва самарали ўқитиш муҳитини таъминлаш.	Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ногиронлар жамияти (келишув асосида)	Таълим

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
	4.7-вазифа. 2030 йилгача барча ўқувчилар ва талабаларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш учун уларнинг зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашларини таъминлаш.	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	Таълим
	4.а-вазифа. Ўқув муассасаларининг барча учун хавфсиз ва самарали ўқув муҳитини таъминлайдиган шарт-шароитларини яхшилаш.	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	Таълим
	4.б-вазифа. 2030 йилгача олий ўқув юртларида таълим олиш учун ажратиладиган кредитлар ва грантларни, шу жумладан, халқаро кредитлар ва грантлар миқдорини кўпайтириш чораларини кўриш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк	Таълим
	4.с-вазифа. 2030 йилгача малакали ўқитувчиларнинг сонини, жумладан, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш орқали жиддий равишда кўпайтириш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	Таълим
5-мақсад. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш.	5.1-вазифа. Ҳамма жойда барча хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш.	Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича кўмитаси (<i>келишув асосида</i>), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бош прокуратура (<i>келишув асосида</i>), Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (<i>келишув асосида</i>)	Самарали бошқарув
	5.2-вазифа. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан, одам савдоси, жинсий эксплуатация ҳамда эксплуатациянинг бошқа шакллари тугатиш.	Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура (<i>келишув асосида</i>), Адлия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	Самарали бошқарув
	5.3-вазифа. Эрта никоҳлар ва зўрлаб никоҳлашни тугатиш.	Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура (<i>келишув асосида</i>), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ижтимоий ҳимоя
	5.4-вазифа. Коммунал хизматлар, инфратузилма ва ижтимоий ҳимоя тизимларини тақдим этиш орқали парваришлаш ва уй хўжалигини юритиш бўйича ҳақ тўланмайдиган меҳнатни тан олиш ва қадрлаш, миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда оилада хўжалик юритиш учун умумий масъулият тамойилини рағбатлантириш.	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ижтимоий ҳимоя

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
	5.5-вазифа. Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок этишларини ҳамда қарор қабул қилишда етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш.	Олий Мажлис Сенат Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмитаси (<i>келишув асосида</i>), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда сиёсий партиялар (<i>келишув асосида</i>)	Самарали бошқарув
	5.6-вазифа. Репродуктив саломатликни асраш соҳасида умумқамровли тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун соғлиқни сақлаш хизматларидан умумий фойдаланишни таъминлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш, самарали бошқарув
	5.а-вазифа. Хотин-қизларни уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширишларида қўллаб-қувватлайдиган дастурларни кенгайтириш.	Олий Мажлис Сенат Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмитаси (<i>келишув асосида</i>), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда сиёсий партиялар	Самарали бошқарув
	5.б-вазифа. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида юқори самарали технологиялар, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланишни икки бараварга ошириш.	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Самарали бошқарув
	5.с-вазифа. Гендер тенглик тамойилларини бошқарувнинг турли босқичларида давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига тўла сингдириш.	Олий Мажлис Сенат Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмитаси (<i>келишув асосида</i>), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (<i>келишув асосида</i>), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда сиёсий партиялар (<i>келишув асосида</i>)	Самарали бошқарув
6-мақсад. Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда	6.1-вазифа. 2030 йилгача барча учун тоза ичимлик сувдан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятини таъминлаш.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Атроф муҳит

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.	6.2-вазифа. 2030 йилгача тегишли санитария-гигиена воситаларидан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий заиф қатлами эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратиш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Соғлиқни сақлаш
	6.3-вазифа. 2030 йилгача сув муҳитининг ҳар қандай, жумладан, қуруқликдаги фаолият натижасида ифлосланишини сезиларли равишда камайтириш ҳамда оқова сувларни хавфсиз тарзда қайта ишлатиш ҳажмини ошириш.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Атроф муҳит
	6.4-вазифа. 2030 йилгача иқтисодиётнинг барча секторларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли ошириш.	Сув хўжалиги вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Атроф муҳит
	6.5-вазифа. 2030 йилгача барча даражаларда сув ресурсларининг комплекс, шу жумладан, заруратга кўра трансчегаравий ҳамкорлик асосида бошқарилишини таъминлаш.	Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, гидрометеорология хизмати маркази	Атроф муҳит
	6.6-вазифа. 2030 йилгача сув билан боғлиқ экотизимлар, шу жумладан, тоғлар, ўрмонлар, сувли-ботқоқли ҳудудлар, дарёлар, сувли қатламлар ва кўлларнинг қўриқланиши ва тикланишини таъминлаш.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Атроф муҳит
	6.b-вазифа. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сув хўжалиги ва санитарияни яхшилаш ишидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш.	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Атроф муҳит
7-мақсад. Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш.	7.1-вазифа. 2030 йилгача арзон, ишончли ва замонавий энергия таъминотидан умумий фойдаланишни таъминлаш.	Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, Монополияга қарши курашиш қўмитаси	Иқтисодий фаровонлик
	7.2-вазифа. 2030 йилгача жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинadиган энергия улушини сезиларли равишда кўпайтириш.	Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ	Иқтисодий фаровонлик

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
	7.3-вазифа. 2030 йилгача энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича кўрсаткични икки бараварга ошириш.	Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Иқтисодий фаровонлик
	7.б-вазифа. 2030 йилгача замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш.	Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Иқтисодий фаровонлик
8-мақсад. Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш.	8.1-вазифа. 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда икки 2,6 баравар ўсишини таъминлаш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Марказий банк	Иқтисодий фаровонлик
	8.2-вазифа. Диверсификация, техник модернизациялаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш воситасида иқтисодиётда самарадорлиқнинг ўсишига эришиш, бунда юқори қўшилган қиймат ва меҳнат талаб секторларга алоҳида эътибор қаратиш.	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, хўжалик бошқаруви органлари	Иқтисодий фаровонлик
	8.3-вазифа. Меҳнат бозорида фаол чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш, кичик ва йирик бизнесни ҳамда хусусий, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тезкор ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш орқали аҳолини, айниқса, ёшлар, ногиронларни муносиб иш билан таъминлаш ва самарали бандликни кенгайтиришга йўналтирилган қулай шарт-шароит яратиш.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги	Иқтисодий фаровонлик
	8.4-вазифа. 2030 йилнинг охиригача бўлган бутун муддат давомида истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш тизимларида ресурслардан фойдаланишнинг глобал самарадорлигини аста-секин ошириб бориш ҳамда Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларидан фойдаланишга ўтиш бўйича ўн йиллик ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилганидек, иқтисодий ўсиш атроф муҳит ҳолатининг ёмонлашуви билан бирга кечмаслигига интилиш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	Иқтисодий фаровонлик

Миллий мақсадлар*	Миллий вазифалар	Масъул ижрочилар	Эксперт гуруҳлари
	8.5-вазифа. 2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркекларни, шу жумладан, ёшлар ва ногиронларни барқарор ва самарали бандлигини ҳамда муносиб иш билан, жумладан, банд аҳоли сонини 1,4 бараварга, меҳнат унумдорлигини 3,1 бараварга ошириш хисобидан , шунингдек, тенг қийматли меҳнат учун тенг иш ҳақи тўланишини таъминлаш.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (<i>келишув асосида</i>), Савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ногиронлар жамияти (<i>келишув асосида</i>)	Иқтисодий фаровонлик
	8.6-вазифа. 2030 йилгача ишламаётган, ўқимаётган ва касбий малакаларни эгалламаётган ёшларнинг улушини икки бараварга қисқартириш.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Иқтисодий фаровонлик
	8.7-вазифа. Болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатнинг энг ёмон шакллариغا йўл қўймасликни назорат ва мониторинг қилишни кучайтириш.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Бош прокуратура (<i>келишув асосида</i>), Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (<i>келишув асосида</i>), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (<i>келишув асосида</i>), вазирлик ва идоралар	Ижтимоий ҳимоя
